

(? - 1721),
(1709-1721)

Кейинчалик Кўкон хонлиги деб аталган давлатнинг асосчиси. 1709-йилда минглар алохида беклик тузган чодалик дин пешволари хокимиятини агдардилар ва Фаргона водийсида хокимиятни ўз кўларига олдилар. Минг кабиласи йўлбошчиларидан бири Шохрухбий ҳукмдор деб эълон килинди. Шу тарика, Ўрта Осиёда кейинчалик Кўкон хонлиги деб аталган янги давлат вужудга келди. Маълумки, фақат Афросиёб ёки чингиз авлодидан бўлганлар хон аталишга ҳақли эдилар. Шохрухбий эса Чингиз авлоди эмас эди. Шунинг учун саройга яқин тарихчилар “Олтин бешик” ҳақидаги афсонани тўкиганлар. Унга кўра, гўё Кобул томон кетаётган Заҳириддин Муҳаммад Бобур энди тугилган чакалогини олтин бешикка белаб, йўлда қолдириб кетган экан. Фаргона водийсига ўзбек қабилла бошлиқлари бешикни топиб олишиб, болани катта қиладилар. Олтин бешикдаги бола вояга етиб ундан Султон элик номли ўғил тугилган. Ундан кейинги авлод Худоёр, Муҳаммад Амин, Абулқосим, Шохмастбий (Ежмосбий), Шохрухбий, Хожибий, Ашурбий, сўнг Шохрухбий. Шохрухбий Олтин бешикнинг ўнинчи пушти ҳисобланган. У минг кабиласи бийларидан эди.

Шохрухбийнинг тахтга ўтиришини Мулла Олим “Тарихи Туркистон” асарида кизикарли тасвирлайди: Тарговага Жанкат, Пилахан, Тўфонтепа, Партак, Тепа Кўргон, Кайнар ва бошқа жойларнинг оксоқол, аслзода одамлари тўпланиб Ашурбекнинг ўғли ақлли, инсонпарвар Шохрухбий Ашурбек ўғлини хон қилиб сайлашга қарор қиладилар. Шундан сўнг Шохрухбий ўрда ва кўргон қуриш учун қулай жой танлашга фармон беради. Юборилган одамлар “Кўк тўнликлар” яшайдиган икки сой оралигида жойлашган ҳудудни қулай жой, деб ҳисоблайдилар. Улар бу ерда арқ қурадилар ва унинг атрофида сарой ва бинолар қура бошлайдилар. Шундан кейин Шохрухбийни тахтга ўтказадилар. Хоннинг сайланиш йилини 1709-йил деб ҳисоблайдилар.

Мулла Олим Шохрухбий 12 йил ҳукмронлик қилиб, ҳукмронлигининг 13-йилида вафот этди, - деб ёзади. Бундан унинг 1721-йилда вафот этганлиги қилиб чиқади.

Бу давлат ўз тасарруфига Кўкон, Исфара ва Марғилон атрофларини қўшиб олган эди. Шохрухбийдан ўрта ўғил қолади: Абдурахимбий, Абдуқаримбий ва Шодибий. Отасининг ўрнини ўғилларнинг қаттаси Абдурахимбий эгаллайди.